



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Умаралиева Фарангиз Шуҳрат қизи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10532496>

Бугунги кунда ЭИЗлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари 2020 йилда қабул қилинган “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонун асосида тартибга солинади. Шунингдек, ушбу соҳа фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, 2021 йилда ПҚ-5243-соли “Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида Президент қарори қабул қилинди. Ушбу қарор инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини мустаҳкамлаш, шунингдек, тадбиркорларнинг муаммо ва таклифларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича 2021 йил 20 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган бўлиб, бир неча вазифалар бегиланди. Хусусан,

- фойдаланилмай қолган солиқ имтиёзларидан фойдаланиш 3 йилдан 10 йилгача қўлланиладиган бўлди;
- қўшилган қиймат солиғини 10 кунгача муддатга кечиктириб бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти яратилди.

2018 йилда, ПФ-5600-сонли “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Президент фармони қабул қилинган. Мазкур Фармон билан эркин иқтисодий зоналар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базаси шакллантирилди, маъмурий функцияларни номарказлаштириш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг Маъмурий кенгашлари (кейинги ўринларда — Маъмурий кенгашлар) ваколатларини кенгайтириш орқали уларнинг фаолиятини бошқариш механизми соддалаштирилди.

2020 йилда ҳудудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-4929-сонли қарор билан 2021 йилда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки





берадиган лойиҳалар ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳалари учун ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш тадбирларига Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида 1 триллион сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган бўлсада соҳада ҳали ҳамон муаммолар мавжуд.

Махсус иқтисодий зоналар фаолиятини ривожлантириш мақсадида юртбошимиз томонидан 2021 йилнинг апрел ойи ва 2022 йилнинг 26 май санасида ҳудудларда мавжуд ЭИЗлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича видеоселектор йиғилишлари ўқазилди. Ўтган ва жорий йилларда ўтказилган йиғилишларнинг асосий марказида эркин иқтисодий ва саноат зоналари ривожланишига эришиш мақсадида ҳудудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш, электр энергияси, сув таъминотини яхшилаш, транспорт логистикасини такомиллаштириш масалалари ўрин олган.

Такидлаш жоизки, бугунги даврга қадар эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ташкил этишга бўлган эътибор ҳар қачонгидан ортиган ва бу соҳада ислохотлар жадал суръатларда олиб борилмоқда. Жумладан, ҳозирги кунда асосий эътибор импортни қисқартириш ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилиб, 2021 йилда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари инфратузилмасини яхшилашга 1,6 трлн сўм маблағ ажратилди. Бугунги кунда мамлакатимизда ЭИЗлар сони 23 тага, кичик саноат зоналари эса, 348 тага етган [1]. Эркин иқтисодий зоналарда умумий қиймати 2,6 млрд долларлик 453 та лойиҳа амалга оширилиб, 36 мингга яқин иш ўринлари яратилган. Кичик саноат зоналарида эса 5 трлн сўмлик 1497 та лойиҳа ишга туширилиб, 36 мингдан зиёд кишининг бандлиги таъминланди.

Ҳудудларда ташкил этилган иқтисодий зоналарнинг сони ва турига оид бўлган маълумотларни www.sez.gov.uz ягона портали орқали аниқлаш мумкин.

Сўнги йилларда, эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва такомиллаштиришда мамлакатимизда юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудудларни рақобатдош ва экспортга йўналтирилган замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга янада фаол жалб этиш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилма ва






логистика хизматларини жадал ривожлантиришни таъминлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтиришнинг энг муҳим омили сифатида эркин иқтисодий зоналарни изчил ривожлантириш борасида янада қулай шарт-шароитлар яратиш каби муаммоларни келтириб чиқармоқда.

ЭИЗлар фаолияти, уларни келгусида ривожлантириш истиқболлари, соҳада муҳандислик коммуникация ва инфратузилмаларни ташкил этиш, инвесторлар томонидан фаолиятни бошлашга оид ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши, иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши тартиби, транспорт логистикаси ва божхона хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйидаги айрим **муаммолар ва камчиликларнинг борлиги аниқланди**. Жумладан:

1. Бугунги кунда саноат зоналари майдонларининг 37 фоизи электр, сув, газ, йўл ва канализация бўйича инфратузилмаси йўлга қўйилмаган; Яъни эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари учун зарур муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ўз вақтида барпо этиш масалаларига етарлича эътибор берилмаяпти ва бу борада назорат ўрнатилмаган. Шунингдек, муҳандислик коммуникациялар тузилмасини ривожлантириш ва бошқа соҳавий муммоларни бартараф этиш комплекс тартибда амалга оширилиши мақсадида махсус иқтисодий зоналарнинг ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

2. Эркин иқтисодий ва саноат зоналарида тадбиркорлик фаолиятига оид лойиҳаларни амалга оширишда бюрократик тўсиқлар юзага келган ва тадбиркорлар бунда 5 босқичли тизимда 10 турдан ортиқ бўлган ҳужжатларни, тақдим этилиши амалиёти сақланиб қолаётганлиги юртбошимиз томонидан ҳам таъкидланганю. Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида тадбиркорлик субъектлари томонидан таклиф этилаётган инвестиция лойиҳаларини келишиш ва маъқуллаш механизми амалда ҳаддан ташқари мураккаб бюрократизмга дучор бўлаётганлиги, бу эса мазкур лойиҳалар бўйича қарорлар қабул қилиш амалиётини ортга сурилишига сабаб бўлмоқда.

3. Эркин иқтисодий зоналарнинг иштирокчилари Республика товар-хомашё биржаси орқали сотиладиган хомашё ресурсларини зарур ҳажмда сотиб олишда каттагина қийинчиликларга дуч келмоқда; ЭИЗ тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар ва ишлар бўйича очиқ статистик маълумотлар тақдим этиб борилмайди.





4. Инвестиция буюртманомаларини кўриб чиқиб хулоса бериш жараёни узоқ муддатга чўзилиши билан инвесторларда фаолиятнинг келгуси тақдирига нисбатан ишончсизлик пайдо бўлмоқда. Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича қарорлар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги қошидаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКнинг ижобий хулосаси мавжуд бўлгандагина қабул қилиниши белгиланган. Марказ томонидан эркин иқтисодий зоналар ҳудудида лойиҳаларни жойлаштириш бўйича инвестиция буюртманомаларини кўриб чиқиб хулоса бериш жараёни билан бирга 30 календар кундан ошмаслиги белгиланган. Бу ҳолат, бир ой давомида инвесторни кўплаб шубҳа-гумонлар ичида қолдирмоқда.

5. Эркин иқтисодий зоналар иштирокчиларига логистика ва божхона хизмати кўрсатилиши билан боғлиқ қуйидаги муаммолар мавжуд. Жумладан:

5.1) Божхона омбори ва эркин омбор божхона режимларининг қўлланилиши билан боғлиқ муаммоларнинг ҳуқуқий табиати логистика соҳаси ривожига муҳим ўрин тутаети. *Божхона омбори божхона режими шундай режимки, бунда божхона ҳудудига олиб кирилган ва божхона ҳудудидан олиб чиқиш учун мўлжалланган товар божхона божлари, солиқлар тўланмаган ҳамда иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда муайян биналарда (жойларда) божхона назорати остида сақланади. Эркин омбор божхона режими шундай режимки, бунда товар муайян жойлар ва ҳудудларда божхона тўловлари тўланмаган ҳамда иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда жойлаштирилади.* Масалан, эркин омборда қўшилган қиймат божхона омборида сақлаш, қадоқлаш, почтага олдиндан тайёрлаш ва якуний харидорга жўнатиш харажатларидан иборат бўлиб, бундай омборлар трансчегаравий савдо доирасида мавжуд бўлган контрабандага чек қўяди, истеъмолчиларга етказиб бериш муддатларини қисқартиради, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлайди, хорижий маҳсулотларнинг турларини кўпайтиради, чет эллик сотувчилар ўз маҳсулотларини тўғридан-тўғри маҳаллий истеъмолчига сотиш учун офис очишлари шарт бўлмайди.

Мамлакатимизда божхона омборлари сони 331 тани, эркин омборлар сони 7 тани ташкил этмоқда .

Бугунги кунда Республикамизда божхона омбори ва эркин омбор фаолияти лицензия асосида ташкил этилган. Бироқ, уларни ташкил






этишда камчиликлар мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 апрелдаги 210-сон қарори билан Божхона омбори фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти ва Эркин омбор фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентига кўра, лицензия даъвогари — лицензияловчи органга божхона омбори ёки эркин омбор фаолиятини амалга ошириш учун лицензия бериш тўғрисидаги сўровнома билан мурожаат этган юридик шахс — Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлиши лозим.

Аммо, хорижий давлатларда ушбу фаолиятни ташкил этишда мамлакат резиденти бўлиш талаб этилмайди. Айрим давлатларда фақатгина юридик шахсларнинг устав фондида шакллантириш учун талаблар белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси 103-моддасида эркин омбор божхона режимига жойлаштирилган товар билан амалга оширилиши мумкин операция турлари белгиланган бўлиб, эркин омбор божхона режимига жойлаштирилган товар билан чакана савдо операцияларини амалга оширишга йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Мазкур талаб эркин омборнинг “фойдалилик” хусусиятини деярли чеклайди. Ваҳоланки, транзит тартибига эга эркин омборлар Ўзбекистонда электрон тижорат ва трансчегаравий савдони ривожлантириш учун локомотивга айланиши мумкин. Ноёб географик жойлашув Ўзбекистонга мавжуд транзит оқимларини Хитойдан – Ўрта Осиёга – Россияга – Европага ва аксинча йўналишда қайта тақсимлашда фаол иштирок этиш имконини бериши мумкин. Улар орқали трансчегаравий савдо ва транзит ҳажмининг салмоқли қисми қайта ишланади. Мисол учун, бугунги кунда хорижий онлайн-дўконларда жойлаштирилган маҳаллий харидорларнинг кўп сонли буюртмалари Россиядаги божхона омборларидан жўнатилади.

Эркин омборлар дунёда, айниқса, Хитой, АҚШ, Япония ва Европа давлатларида 2012 йилдан бери ривожланмоқда. Ҳуқуқий жиҳатдан уларни ташкил этишга оид талаблар барча мамлакатларда ўхшаш бўлиб, асосан, божхона ставкаси билан фарқланади (Японияда 8% дан Европа Иттифоқида 10% гача). Хитойда бундай омборлар трансчегаравий савдо айланмасининг 86 фоизини, ЕИ давлатларида тахминан 60 фоизини ташкил қилади.





5.2) Логистика соҳасида хизматлар кўрсатиш, мавжуд товарлар ҳақида маълумот олиш, олди-сотди шартномаларни амалга ошириш учун **ягона онлайн платформалар** фаолияти йўлга қўйилмаган.

Хорижий давлатларда логистика хизматларини етказиб берувчиларни, юк жўнатувчиларни, қабул қилувчиларни, омборлар ва терминалларни, ташувчиларни, ҳайдовчиларни ва бошқа манфаатдор томонларни бирлаштирадиган ва юк ташишни бошқарадиган ягона логистик платформалар фаолият юритади.

Масалан, Залора **Малайзияда** бошқа олтита давлатдан амалга оширилган операцияларни бирлаштириб, операцион марказни ташкил қилган. Шунингдек, трансчегаравий узлуксиз савдони осонлаштириш ва маҳаллий бизнесга имконият яратиш мақсадида 2017 йилда Халқаро савдо ва саноат вазирлиги қошида **Рақамли эркин савдо зонаси** («ДФТЗ») ишга туширилган[2].

6. Чегара ҳудудларда эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш такомиллашмаган. Бу **чегара постларини модернизация қилиш зарурияти билан боғлиқ**. Ўзбекистон ташқи савдосининг қарийб **80 фоизи** мамлакатнинг қуруқлик чегаралари орқали амалга оширилади[3]. Бироқ, мутахассисларнинг фикрича, бугунги кунда чегара постларини модернизация қилиш зарурияти мавжуд. *Мамлакат ҳудудига кирувчи чегара постларнинг 5 таси ҳозирга қадар модернизация қилинмасдан келмоқда.*

Мазкур ҳолат чегара постларида инсон ресурслари ва телекоммуникация инфратузилмаси қониқарли аҳволда эмаслигини, ёрдамчи иншоотларни қуриш ва илғор технологик ускуналар билан таъминланмай келаётганлигини англатади. Ушбу муаммолар ўз навбатида, чегараларда кутиш вақтлари юзага келишига, навбатларнинг ортишига, транспорт воситалари ва йўловчиларнинг ўтиши секинлашишига ҳамда юкларнинг ўз вақтида етказиб берилмаслигига олиб келади.

Қайд этиш керакки, логистика соҳаси ривожланган давлатларда божхона ва чегара бошқарувини расмийлаштириш тартиби транспорт мамлакат ҳудудига киргандан сўнг амалга оширилиши белгиланган. Хусусан, **Шимолий Америка** мамлакатларида **“Ташқи савдо зоналари”** ташкил қилинган бўлиб, улар божхона юрисдикциясидан ташқаридаги ҳудуд ҳисобланади. Ташқи савдо зоналари божхона расмийлаштируви мамлакат ичкарисида амалга оширилади. Бу қабул қилувчига ўз





жўнатмасининг мавжудлиги тўғрисида хабар олиш ва маҳсулотни етказиб бериш занжирини шунга мос равишда режалаштириш имконини беради[4].


Шу сабабли, бугунги кунда самарали транспорт инфратузилмасини мутаносиб равишда ривожлантириш, транспорт алоқаларини ошириш, транспорт йўлакларини, мультимодал транспорт ва логистика марказларини яратиш, йўл қурилиши ҳажми ва сифатини ошириш, транспорт харажатларини пасайтириш, ташувлар тезлигини оширишга қаратилган самарали транспорт сиёсатини амалга ошириш лозим.

Бундан ташқари мамлакатимизда ЭИЗларни ташкил этишда унга ажратиб берилаётган ернинг ва ҳудуднинг баҳолаш тартибининг мавжуд эмаслиги ҳам чегара ҳудудларида ЭИЗларни шакллантириш амалиётини ортга суриб келмоқда.

Шунингдек, транспорт инфратузилмасида давлат монополияси сақланиб қолган бўлиб, бугунги кунда Ўзбекистондаги транспорт инфратузилмаси, асосан, 2 та ташкилот бошқарувидадир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси 40 000 км узунликдаги Республика ва минтақавий автомобиль йўллари бошқаради. Бу умумий транспорт тармоғининг қарийб 20% ни ташкил қилади (қолган қисми 139 та маҳаллий ҳокимият органлари зиммасида). Мамлакат темир йўл тизимини эса “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаради ҳамда миллий темир йўл ташувчиси ҳисобланади. Бу борада Халқаро Транспорт Форумининг 2019 йилги ҳисоботида шундай дейилган: “Иккала компания[5] ҳам шаффофликдан маҳрум ва сиёсатчилар томонидан яхши тушунилмайдиган йирик монопол ташкилотлардир”[6]. Ташиш жараёнида иштирок этадиган барча темир йўл транспортининг “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан бошқарилиши темир йўл соҳасида юкларни ташиш ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқларида рақобат муҳити шаклланмаганлигини англатади. Бу ўз навбатида, юкларни сифатли, тезкор ва самарали ташишга салбий кўрсатади. Жаҳон тажрибасида эса, аксинча, темирйўл тармоғининг 50% дан ортиғи бозор иштирокчилари бўлган хусусий ташкилотлар ҳиссасига тўғри келади.

Фойдаланилганган адабиётлар:

1. Президент Ш.М.Мирзиёев бошчилигида эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилиш материаллари. 2021. <https://president.uz/uz/lists/view/4308>.





2. <https://www.legal500.com/developments/thoughtleadership/legal-regulatory-framework-for-logistics-services-in-malaysia>.
3. <https://cyberleninka.ru/article/n/bojxona-va-chegara-rasmiylashtiruvi-samaradorligini-oshirish>
4. <https://cyberleninka.ru/article/n/bojxona-va-chegara-rasmiylashtiruvi-samaradorligini-oshirish>.
5. O'zbekiston Respublikasi Avtomobil yo'llari davlat qo'mitasi va "O'zbekiston temir yo'llari" AJ nazarda tutilmoqda.
6. <https://www.itf-oecd.org/sites/default/files/docs/connectivity-freight-central-asia.pdf>.

